



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2025 йил 20 август, № 169 (9064)

Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ПОКИСТОН ДЕЛЕГАЦИЯСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Покистон Ислон Республикаси Штаблар бошлиқлари бирлашган кўмитаси раиси, генерал Саҳир Шамшод Мирзо бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.



Юқори мартабали меҳмон давлатимиз раҳбарига Покистон Бош вазири

Шаҳбоз Шарифнинг саломи ва энг эзгу тилаклари билан учрашди.

Покистон Бош вазири-нинг жорий йил февраль ойидаги Ўзбекистонга таш-

рифи давомида эришилган келишувларни амалга ошириш нуктаи назаридан

Ўзбекистон — Покистон кўп қиррали ҳамкорлик ва стратегик шериклик муносабатларини янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Турли даражаларда ўзаро мулоқот ва алмашинувлар фаоллашгани мамнуният билан қайд этилди. Жорий йил бошидан товар айирбошлаш ҳажми 23 фоизга, юк ташиш 50 фоизга ошди. Карачи ва Лаҳор шаҳарларида савдо уйлари очилди. Тўғридан-тўғри авиақатновлар кўпайди.

Ҳарбий ва ҳарбий-техник соҳаларда, ҳавфсизликка замонавий таҳдид ва хатарларга қарши курашиш борасидаги амалий ҳамкорлик масалалари кўриб чиқилди.

Трансафғон темир йўлини қуриш лойиҳаси бўйича имзоланган уч томонлама битимни тез фурсатда амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚОЗОҒИСТОН — ЭНГ ЯҚИН, ИШОНЧЛИ ҲАМКОРЛАР

Кеча Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоевнинг Қозоғистон Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев билан учрашуви бўлиб ўтди.

Мулоқот чоғида парламентлараро алоқаларни ривожлантириш нуктаи назаридан иккала давлат стратегик шериклиги ва иттифоқчилигининг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Учрашув

Қозоғистон Президенти Ўзбекистон Олий Мажлиси Сенати Раисини самимий қутлар экан, унинг Остонага ташрифи мамлакатлар ўртасидаги стратегик муносабатларнинг ўзига хос хусусиятининг яққол тасдиғи эканини таъкидлади.

Қосим-Жомарт Тоқаев Танзила Норбоевнинг икки халқ ўртасидаги дўстлик ва яхши қўшничилик ришталарини мустаҳкамлашга қўшган шахсий ҳиссасини юқори баҳолади:

“Сизнинг ташрифингиз мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона муносабатларни мустаҳкамлаш нуктаи назаридан жуда муҳим. Биз қардош Ўзбекистон билан ҳамкорликни ривожлантиришга устувор аҳамият қаратамиз. Бу Марказий Осиё минтақасида барқарорлик ва ҳавфсизликни таъминлашда жуда муҳим омил, деб ҳисоблаймиз. Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар қанчалик яхши, яқин ва самарали бўлса, умуман минтақадаги вазият шунчалик тинч бўлади. Сизнинг ташрифингизга келсак, буни муносабатларимизнинг ўта муҳим элементи бўлган парламентлараро алоқаларни мустаҳкамлаш

нуктаи назаридан ҳақиқатдан ҳам муҳим, деб биламан”.

Ўз навбатида, Танзила Норбоева ҳам Қосим-Жомарт Тоқаевга самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, Президент Шавкат Мирзиёевнинг саломини етказди.

— Давлатимиз раҳбари сизга ўзининг илиқ саломини йўлади ҳамда олиб бораётган ишларингизда улкан муваффақиятлар тилади. Ҳамкорликда эришилган келишувлар ижросини самарали таъминлашга биз, парламент аъзолари доим ўз ҳиссамизни қўшамиз. Сиз айтганингиздек, Ўзбекистон учун Қозоғистон, Қозоғистон учун Ўзбекистон энг яқин, ишончли ҳамкордир, — деди Ўзбекистон Олий Мажлиси Сенати Раиси.

Учрашувда, шунингдек, парламентлараро дипломатияни, савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари ҳам муҳокама қилинди. Маданий-гуманитар алоқаларни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўз навбатида, Қосим-Жомарт Тоқаев Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевга самимий тилакларини билдирди.

«Халқ сўзи».

ҚАДРИЯТЛАРИ ЎХШАШ, МАДАНИЙ ВА МАЪНАВИЙ ИЛДИЗЛАРИ БИР ХАЛҚМИЗ

Ўзбекистон парламенти делегацияси Остона шаҳрида бўлиб ўтган “Умумий тарихий-маданий мерос — ҳамкорликнинг янги уфқлари” мавзусидаги Ўзбекистон ва Қозоғистон илмий-ижодий зиялиларининг биринчи форумида иштирок этди.

Форум

Анжуманда Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева Ўзбекистон ва Қозоғистонни нафақат умумий манфаатлар, балки чуқур тарихий, маданий ва маънавий илдишлар бoғлаб турганини таъкидлади.

Иккала мамлакат раҳбарлари — Президент Шавкат Мирзиёев ва Президент Қосим-Жомарт Тоқаевнинг сиёсий иродаси ҳамда саъй-ҳаракатлари туфайли давлатлар ўртасидаги дўстона муносабатлар, жумладан, гуманитар ва маданий алоқалар тобора мустаҳкамланаётганини қайд этди.



Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

АҲОЛИ ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИ КАФОЛАТИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда дастлаб давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Тошкент шаҳрида қуриб битказилган Олимпия шаҳарчаси, Юқори Чирчиқ туманидаги Миллий футбол маркази ҳамда янги туризм инфратузилмаси объектлари аҳамиятига тўхталиб ўтилди.

Олимпия шаҳарчасининг қурилишига 2022 йилда тамал тоши қўйилган вақтда давлатимиз раҳбари бу шаҳарча халқимизнинг юксак бунёдкорлик салоҳияти ва ўзбек спортининг оламшумул ютуқлари рамзига айланиши, меъморий жиҳатдан мукамал ва илгор инновацион ечимларни мужассам қилган замонавий мажмуа бўлишини таъкидлагани айtilди.

Шаҳарчани кўздан кечириш давомида мамлакатимиз раҳбари бир гуруҳ спортчилар билан ҳам учрашиб, мулоқот қилди. Спорт ўзига хос сиёсат ва дипломатия услубига айланиб бораётган бугунги даврда мана шундай улкан Олимпия шаҳарчасининг бунёд этилгани Ўзбекистоннинг халқаро даражадаги обрўсининг янада орттишига хизмат қилиши ургуланди.

Спорт йўналишидаги ишларни янада жадаллаштириш, спортчиларимизнинг ютуқлари бардавомлигини таъминлашда парламент вакиллари соҳадаги қонун ҳужжатларини бугунги кун талабидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириши, масъуларнинг ахборотини ешитиш, парламент ва депутатлик назоратини ўрнатилиш лозимлиги таъкидланди.



20 август — Тадбиркорлар куни

ВАТАНИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИГА МУНОСИБ ҲИССА ҚЎШИШ — ТАДБИРКОРЛИК БУРЧИМИЗ

“Ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиби, аздам катъий, тадбиркор ва ҳушёр бир киши минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир”, деган эди соҳибқирон бобомиз Амир Темур. Зеро, тадбиркорлар барча замонда ҳам илгор ва фаол кишилар сифатида жамиятни олдинга етакловчи асосий кучга айланган. Бугунги кунга келиб макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, ижтимоий соҳаларни ривожлантириш, аҳолининг турмуш даражасини юксалтиришда ишбилармонларнинг роли ҳар қачонгидан ортди, десак, муболаға бўлмайди. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан юртимизда қулай бизнес муҳитини яратиш, тадбиркорлик ҳаракатини ривожлантириш, ишбилармонларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича қўрилаётган тизимли чора-тадбир-

лар туфайли улар иқтисодийнинг таянчига айланди.

Президентимиз томонидан қуни кеча имзоланган “Тадбиркорлар куни муносабати билан соҳа вакилларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида”ги Фармонга кўра юртимизнинг иқтисодий қудрати ва экспорт салоҳиятини юксалтиришда ўзининг салмоқли натижалари билан муносиб ҳисса қўшиб келаётган тадбиркорлардан бир гуруҳи юксак давлат мукофотлари билан тақдирланди. Шубҳасиз, бундай юксак эътироф ташаббускор ишбилармонлар учун Тадбиркорлар куни ҳамда истиқлолимизнинг кутлуг 34 йиллик байрамига муносиб тўхфа бўлди.

Хизматлари алоҳида эътироф этилган тадбиркорлардан айримларининг дил изҳорлари билан 4-саҳифада танишасиз.

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ЯНГИ РЕЖА ВА ТАКЛИФЛАР

Президент Шавкат Мирзиёев соғлиқни сақлаш тизимини трансформация қилиш ва тиббий ёрдам сифатини оширишга қаратилган таклифлар тақдими билан танишди.

Бу борада давлатимиз раҳбари шу йил 7 майда бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида топшириқ берган эди. Шундан келиб чиқиб соҳа мутахассислари, аҳоли ва хусусий сектор вакиллари иштирокида қатор таклифлар тайёрланди.

Бугун касалликларни даволашда катта юклама республика муассасаларига тушмоқда. Шу боис вилоят ва туман миқёсида хизматларни кенгайтириб, тиббиётни аҳолига яқинлаштириш чоралари кўришмоқда.

Шу мақсадда 1 минг 500 та клиник протокол халқаро талабларга мослаштирилди ва стандарт жарроҳлик амалиётлари ишлаб чиқилди. Энг кенг тарқалган касалликлар бўйича беморлар маршрутлари ишлаб чиқилди ва рақамлаштирилди.

Сўнгги йилларда инсульт ва инфарктга олиб келадиган гипертензия, юрак ишемикасаллиги ва қандили диабетнинг кўпайиши кузатилмоқда. Бундай ҳолатларнинг 85 фоизи ногиронликка олиб келмоқда.

Шу боис бирламчи бўғинда сунъий интеллектни кенг қўллаган ҳолда ушбу касалликларнинг олдини олиш ва даволаш бўйича янгича протокол ва ёндашувларни жорий қилиш таклифи билдирилди. Жумладан, ЭКГ-телеметрия, телемедицина, тромболитизис терапия, стентлаш ва тромбозэкстрация йўлга қўйилди. Инсульт белгиларини эрта аниқлаш алгоритмининг оммалаштириш ва аҳолига ўргатишга алоҳида эътибор қаратилади.

Неврологик касалликлар ва инсультни самарали даволаш мақсадида Миллий неврология ва нейрореабилитация тиббиёт маркази ташкил этилади. Марказ учун Тошкент шаҳрида 250 ўринли замонавий бино қурилади, унда ойилига 3 мингдан ортик жарроҳлик амалиётларини ўтказиш имконияти яратилади.

Марказ ҳамда Самарқанд ва Бухородаги тиббиёт олий ўқув юртлири клиникалари замонавий усуллар билан жиҳозланади. Япониялик ҳамкорлар кўмагида халқаро стандартлар бўйича эрта реабилитация хизмати жорий этилади. 150 нафар мутахассис хорижда малака оширади. Лойиҳа учун 150 миллион АҚШ доллари йўналтирилади. Ушбу чора-тадбирлар ногиронлик ва меҳнатга лаёқатсизликни камайтириш имконини беради.

Шунингдек, амалдаги соғлиқни сақлаш тизимини харахаллаш ва рақамлаштириш, шу асосда тиббиёт муассасаларини ягона ёндашув асосида ташкил этиш бўйича мастер-режа ишлаб чиқиш таклифи билдирилди. Бу ишлар доирасида янги қурилиш стандартлари, поликлиника ва касалхоналарнинг умуманавий лойиҳалари шакллантирилади, 210 та санитария нормаси қайта кўриб чиқилади.

Бугунги кунда аҳолининг лаборатория таҳлилларига ишончи бирмунча паст. Лаборатория хизматининг сустилиги профилактика ва даволашни қийинлаштирмоқда. Туман даражасидаги 2800 та поликлиникага 1500 та лаборатория хизмат кўрсатяпти, усқуналарнинг аксарияти эскирган, айрим таҳлиллар қўлда баҳариланди.

Шу боис 2030 йил якунига қадар 198 та марказлашган лаборатория ташкил этиш, ички ва ташқи сифат назоратини йўлга

қўйиш, жараёнларни тўлиқ рақамлаштириш кўзда тутилган. Шу билан бирга, бепул таҳлиллар сони оширилади.

Профессионал ва олий тиббий таълимни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Ҳамширалар академиясини Тошкент давлат тиббиёт университети ҳузуридаги Професионал тиббиёт академиясига айлантириш таклифи билдирилди. Халқаро ҳамкорлар билан бирга янги дастурлар жорий қилинади, ҳамшираларни “NCLEX” имтиҳони асосида халқаро сертификатлаш йўлга қўйилади. Олий маълумотли ҳамширалар тайёрлаш йўналишига қабул квотаси босқичма-босқич ошириб борилади.

Бундан ташқари, барча ўқув дастурлари халқаро ташкилотлар талаблари асосида аккредитациядан ўтказилади, оилавий тиббиёт бўйича интеграциялашган таълим дастури ва бир йиллик интернатура жорий этилади. “Бемор ёнида” ўқитиш улушини ошириш, билимларни баҳолашнинг икки босқичли тизимини ҳамда тиббиёт ҳодимларини рўйхатга олиш тизимини босқичма-босқич жорий этиш режалаштирилган.

Алоҳида йўналиш жамоат саломатлиги билан боғлиқ. Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги кўмитаси фаолиятини юқумли бўлмаган касалликлар профилактикасига, оналар ва болалар ўлимини камайтиришга, жарахатланганнинг олдини олишга йўналтириш таклиф этилмоқда. Бунинг учун юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси бўйича миллий дастур ишлаб чиқилади.

Қон хизматини такомиллаштириш масаласи ҳам долзарб. Бу борада 2026 — 2030 йилларга мўлжалланган дастур қабул қилиниб, тиббиёт муассасаларининг қон билан таъминланганлиги 100 фоизга етказилади. Қон препаратлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Қон ҳавфсизлигини таъминлашнинг замонавий усуллари, жумладан, вирусларни инактивация қилиш ва нурлантириш жорий этилади. Бу ўлим ҳолатларини камайтириш ва қонга эҳтиёжни таъминлаш имконини беради.

Мамлакатимиз фармацевтика бозори бугунги кунда 2 миллиард доллардан ошган. Ислохотлар аҳолини сифатли, ҳавфсиз ва самарали дори воситалари билан таъминлашга қаратилган.

Бу йўналишда, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти мезонларини инобатга олган ҳолда дори воситаларини рўйхатдан ўтказишда тан олиш тартиби жорий этилади. Женерикларнинг биоэквивалент синовлари ўтказилади, тиббий буюмларни ҳавфсизлик синфлари бўйича рўйхатдан ўтказишнинг табақалаштирилган тизими қўлланилади. Бу борада фаолиятни бошлаш учун хабардор қилиш тартиби жорий этилади.

Шартнома асосида ишлаб чиқариш ва технологиялар трансфери ривожлантирилади, фармназоратнинг замонавий механизмлари татбиқ қилинади.

Президентимиз билдирилган таклифларни маъқуллаб, тегишли ҳужжатларни имзолади. Белгиланган вазифалар ижросини тизимли ва сифатли таъминлаш бўйича топшириқлар берилди.

Ў.А.

Факт ва рақамлар

ЧЕТ ЭЛ ИНВЕСТИЦИЯЛАРИ ИШТИРОКИДАГИ КОРХОНАЛАР СОНИ 16 609 ТАГА ЕТДИ

Шу йилнинг 1 август ҳолатига кўра Ўзбекистонда чет эл инвестициялари иштирокида жами **16 609 та** корхона фаолият юритаётган бўлиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даври билан солиштирилганда **16,4 фоиз** ошган.

Миллий статистика кўмитаси маълумотларига кўра улардан **4 094 таси** қўшма ва **12 515 таси** хорижий корхоналардир. Чет эл сармояси иштирокида ташкил этилган корхоналарнинг катта қисми Хитой (4 250 та), Россия (3 093 та), Туркия (1 982 та), Қозоғистон (1 149 та) ва Жанубий Корея (671 та) давлатларининг улушига тўғри келади.

ҚАДРИЯТЛАРИ ЎХШАШ, МАДАНИЙ ВА МАЪНАВИЙ ИЛДИЗЛАРИ БИР ХАЛҚМИЗ

Форумда буюк мутафаккирлар, шoir ҳамда олимлар, файласуфлар меросини асраб-авайлаш ва тарғиб этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, Остона шаҳрида Алишер Навоийга, Тошкентда эса Абай Қўнонбоевга ҳайкал ўрнатилгани, Ўзбекистонда Абай таваллудининг 180 йиллигига бағишланган хотира тадбирлари ўтказилгани икки давлат ҳамкорлигининг ёрқин намунаси сифатида тилга олинди.

Шунингдек, илм-фан ва таълим соҳасидаги ҳамкорлиқни ривожлантириш масаласи ҳам муҳокама этилди. Бугунги кунга қадар Ўзбекистон ва Қозоғистон олий таълим муассасалари ўртасида 280 дан ортиқ шартнома ҳамда меморандумлар имзоланган, қўшма таълим дастурлари йўлга қўйилган. Таълим кунлари ва университет ёрмаркалари ўтказилиб, Ўзбекистонда қозоқ тилида мутахассислар тайёрлашга эътибор берилётгани, 400 дан ортиқ мактабларда қозоқ тили ўқитилаётгани таъкидланди.

Ўзбекистон парламенти маданий ва

илмий ҳамкорликка қаратилган қўшма ташаббусларни қўллаб-қувватлаши, бу йўналишда зарур қонунчилик ва ташкилий шарт-шароитлар яратилиши айтилди.

Иштирокчилар янги шaroитларда маданий туризм ва креатив индустрияни ривожлантириш, ёшларни фаол жалб этган ҳолда фестиваллар, кўргазмалар, кинофорумлар ҳамда тадбирларни ўтказиш муҳим аҳамиятга эга эканига урғу беришиб, ушбу форум Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасида гуманитар алоқаларни мустаҳкамлаш, янги лойиҳаларни муҳокама қилиш ҳамда икки мамлакат зиёлилари ўртасида фикр алмашиш учун муҳим минбарга айланганини таъкидлашди.

Шу билан бирга, форум доирасида икки халқнинг буюк шоирлари, rassом ва олимларининг илмий ҳамда ижодий мероси намуналаридан ташкил толган кўргазма ташкил этилди. Кўргазма доирасида ўзбек ижодкорлари қаламига мансуб тарихий китоблар тақдими ҳам ўтказилди.

«Халқ сўзи».

ОИЛА ВА ЖАМИЯТДА АЁЛЛАРНИНГ РОЛИ АЛОҲИДА

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева Қозоғистон Республикаси Президенти ҳузuriдаги Аёллар ва оила-демографик сиёсат масалалари бўйича миллий комиссия аъзолари билан учрашди.

Мулоқотда Олий Мажлис Сенати Раиси мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш соҳасида амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар юзасидан фикр билдирди.

Хусусан, сўнгги йилларда Ўзбекистонда тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган 40 дан ортиқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилингани, шундан ўндан ортиги хотин-қизлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашга йўналтирилгани алоҳида таъкидланди.

Шу билан бирга, аёлларнинг бизнес соҳасидаги

«Халқ сўзи».

фаолиятини рағбатлантириш, уларнинг ташаббусларини рўёбга чиқариш мақсадида Халқ банки тизимида комплекс ёрдам кўрсатиш механизми жорий этилгани айтилди. Бу тизим орқали аёл тадбиркорларнинг фаолиятини бошланғич босқичдан то мустақил бизнесни юритишгача бўлган жараёнда қўллаб-қувватлаш чоралари кўрилмоқда.

Учрашувда кўп томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлаш, гендер тенглик, оила ва жамиятда аёлларнинг ролини янада кучайтириш бўйича фикр алмашилди.

Сенат кўмитасида

НОШИРЛИК ФАОЛИЯТИГА ОИД ҚОНУН — МУҲОКАМА МАРКАЗИДА



Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалалари кўмитасининг мажлисида “Ноширлик фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимчалар ва ўзгартириш киритиш ҳақида”ги қонун ҳамда 2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегиясининг ижро этилиш ҳолати муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда ноширлик фаолияти соҳасини такомиллаштиришга, сифатли адабиётларни чоп этишни қўллаб-қувватлашга, китобхонлик маданиятини оммалаштиришга қаратилган изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Сўнгги тўрт йилда нашриётлар сони 3,5 баробар кўпайиб, 590 тага етди, шундан хусусий нашриётлар 531 тани (90 фоиз) ташкил этмоқда. Нашриётларнинг ишлаб чиқариш қуввати 2 баробар ошиб, ҳар йили ўртача 11 минг номда 40 млн. нусхада китоблар нашр қилиняпти.

Соҳага 25 млн. доллар тўғридан-тўғри инвестициялар киритилиб, 2025 йил 1 январдан бошлаб нашриёт корхоналари фойда солигини тўлашдан 5 йил муддатга озод қилинди.

Тахлиллар амалдаги қонунчиликни янада такомиллаштириш зарурлигини кўрсатмоқда.

Хусусан, ҳозирда нашриёт бош муҳаррирининг ҳуқуқий мақоми, унга қўйиладиган талаблар ва масъулиятига оид нормаларнинг йўқлиги амалиётда айрим муаммо ва камчиликларни келтириб чиқармоқда.

Жумладан, китобларда қонунчилик ва ижтимоий ахлоққа зид, болаларнинг ёш хусусиятлари мос бўлмаган, тарихий фактлар ва тиббиётга оид китобларда нотўғри маълумотлар нашр этилиши, шунингдек, чоп қилинган китоблар давлат стандартлари талабларига мос эмаслиги кузатилмоқда. Ачинарликим, нашриётларнинг 248 тасида бош муҳаррир лавозими йўқ.

Қонунда бир қатор янги нормалар белгиланмоқда. Хусусан, бош муҳаррир лавозимига олий маълумот ва ноширлик фаолиятида камиди уч йил иш стажига эга бўлган шахс тайинланиши мумкинлиги қайд

этилмоқда. Бунда бош муҳаррир нашриётнинг ижодий фаолияти учун қонунчиликка мувофиқ жавобгар бўлиши, бундан ташқари, бош муҳаррир нашрларнинг мавзу йўналишларида келиш чикиб, тегишли экспертлар ва олимларнинг ёки илмий-тадқиқот муассасаларининг тақризларини мустақил равишда олишга ёки муаллифдан (муаллифлардан) уларнинг тақдим этилишини талаб қилишга ҳақли эканлиги белгиланмоқда.

Муҳокама давомида қонуннинг қабул қилиниши китобларнинг миллий стандартлар асосида чоп этилишига, нашрларда қонунчилик ва ижтимоий ахлоққа зид мазмундаги ахборотлар тарқатилишининг олдини олишга ҳамда нашриётларнинг ижтимоий масъулиятини оширишга хизмат қилиши таъкидланди.

Шунингдек, кўмита мажлисида 2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегиясининг ижро ҳолати масаласи ҳам муҳокама этилди.

Камбағалликни қисқартириш ва бандлик, Ички ишлар вазирликлари, Оила ва хотин-қизлар кўмитаси масъулларининг бу бўйича ахбороти эшитилди.

Сенаторлар томонидан мазкур йўналишлардаги халқаро рейтинг ва индексларда мамлакатимиз ўрнини яхшилаш ишларини янада жадаллаштириш бўйича таъсирчан чоралар кўриш юзасидан тавсиялар берилди.

Шу билан бирга, стратегиянинг ижро ҳолатига доир долзарб масалалар юзасидан таҳлилий маълумотларни Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссиясига тақдим этиш назарда тутиляпти.

«Халқ сўзи».

БИТИРУВЧИЛАРНИНГ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ — ДОЛЗАРБ ВАЗИФА

Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий масалалар кўмитаси раиси Эркин Гадовев иштирокида Бухоро давлат педагогика институтида олий таълим муассасалари битирувчиларининг бандлигини таъминлаш масалаларига бағишланган ишчи гуруҳ йиғилиши ўтказилди.

Сенат ва ёшлар

Унда битирувчиларнинг бандлигини таъминлаш, улар учун янги иш ўринлари яратиш, замонавий меҳнат бозори талабларига жавоб берадиган кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш, шунингдек, олий таълим муассасалари ва иш берувчилар ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Тадбир иштирокчилари битирувчиларни иш билан таъминлашдаги мавжуд муаммоларни таҳлил қилишди ва уларни бартараф этиш

бўйича аниқ чора-тадбирлар белгилаб олинди. Амалиёт дастурларини ишлаб чиқиш, амалиётга йўналтирилган ўқитиш, таълим муассасалари ва бизнес ҳамжамияти ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик даражасини оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

Ишчи гуруҳ аъзолари томонидан таълим сифатини яхшилаш, ёшларни меҳнат бозорига тайёрлаш, бандликка кўмаклашувчи дастурларни кенгайтириш ҳамда ҳудудларда битирувчиларни қўллаб-қувватлаш

бўйича таклиф ва тавсиялар илгари сурилди.

Жиззах вилоятида ҳам олий таълим муассасаларини тамомлаётган ёшларни иш билан таъминлаш масалаларига бағишланган ишчи гуруҳ йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари кўмитаси аъзоси Жамила Бобоназарова иштирок этди.

Йиғилишда вилоятдаги бешта олий таълим муассасасини жорий йилда тамомлаган 8 мингдан зиёд, жумладан, Жиззах давлат педагогика университетининг 4 476 нафар битирувчиларининг бандлигини таъминлаш масалалари атрофича муҳокама қилинди.

Унда ёшларнинг салоҳиятидан самарали фойдаланиш, улар учун

меҳнат бозори талабларига мос иш ўринларини яратиш, ҳудудий имкониятлардан келиб чиққан ҳолда манзилли чора-тадбирларни белгилаш зарурлиги алоҳида таъкидланди.

Шу билан бирга, уюшмаган ёшларни ҳам муносиб иш билан таъминлаш бўйича фикр алмашилди. Бу борада касбга йўналтириш марказлари билан ҳамкорликни кучайтириш, уларнинг фаолиятини туман ва шаҳар даражасида самарали йўлга қўйиш лозимлиги қайд этилди.

Йиғилиш якунида масъул идора ва ташкилотлар зиммасига битирувчиларни иш билан таъминлаш бўйича аниқ вазифалар юклатилди ва белгиланган чора-тадбирларни ўз вақтида амалга ошириш бўйича тегишли тавсиялар берилди.

«Халқ сўзи».

Муносабат

Сўнгги йилларда юртимизда жамиятнинг турли жаҳаллари қатори спорт соҳасида ҳам улкан ислохотлар амалга оширилаётир. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг шахсий ташаббуси ва давлат дастурларида белгиланган аниқ мақсадли йўналишлар орқали спорт соҳаси нафақат соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, балки мамлакатимиз нуфузини халқаро майдонда юксалтиришнинг асосий воситасига айланиб бормоқда. Бугун спорт соҳасида амалга оширилаётган ишлар, айниқса, ёшлар тарбияси, уларнинг jisмоний ва маънавий камолотини таъминлашда улкан аҳамият касб этапти.

Ислохотлар жараёнида асосий эътибор “Соғлом авлод — соғлом келажак” тамойилига қаратилган. Зеро, кучли давлат қуришнинг, жамиятда маънавий ва интеллектуал юксалишга эришишнинг пойдевори соғлом ҳамда баркамол авлоддир. Шу боис ҳам юртимизда спорт инфратузилмасини ривожлантириш, замонавий спорт мажмуаларини барпо этиш, оммавий спортни кенг тарғиб қилишга катта аҳамият берилётир.

Хусусан, 2017 — 2024 йилларда амалга оширилган ислохотлар жараёнида спорт соҳасини ривожлантиришга қаратилган қатор дастурлар қабул қилинди. Бу, ўз навбатида, аҳоли, айниқса, ёшларнинг спортга қизиқишини оширди. Натижалар эса бирма-бир буй кўрсатиб бормоқда. Мисол учун, 2024 йил Париж Олимпиадаси ва Паралимпия ўйинларида юртимиз спортчилари муносиб иштирок этиб, умумжамоа ҳисобида 13-ўринни эгаллагани бу йўналишдаги самарали ишлар натижасидир.

Бундай ютуқларни қўлга киритишда спортчилар учун замонавий шарт-шароитларни яратиш, уларнинг тайёргарлигини халқаро мезонлар асосида ташкил этишнинг аҳамияти янада ошди. Шу мақсадда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан тарихимизда ilk бор Олимпия шаҳарчаси қурилишига киришилди. Бу мажмуа нафақат замонавий спорт инфратузилмаси, балки миллий спорт сиёсатида янги босқичнинг рамзига айланди.

2022 йил 9 ноябрь куни тамал тоши қўйилган ушбу шаҳарча Президентимиз таъбири билан айтганда, халқимизнинг юксак бунёдкорлик салоҳияти ва ўзбек спортининг оламшумул ютуқлари рамзи бўлиб қолishi лозим эди. Орадан қисқа вақт ўтди ва бу орзу амалий ҳаётга айланди. Юз гектардан ортиқ майдонда қурилган Олимпия шаҳарчаси бугунги кунда нафақат юртимиз, балки бутун Марказий Осиё миткаласидаги энг илirик ҳамда замонавий спорт маскани сифатида барпо этилди.

290 миллион долларлик ноёб лойиҳа Хитойнинг “CAMC Engineering” компания-



си томонидан халқаро стандартлар асосида амалга оширилди. Мазкур мажмуа нафақат спортчилар, балки томошабинлар, мураббийлар, турли спорт федерациялари ҳамда илмий-тадқиқот муассасалари учун ҳам қулайлик яратиб, спорт

лат сиёсатининг узвий қисми сифатида юртимиз ёшлари учун янги имкониятлар эшигини очди. У орқали нафақат юқори спорт натижаларига эришиш, балки оммавий спортни кенг йўлга қўйиш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, ёш авлод-

“Бундай ютуқларни қўлга киритишда спортчилар учун замонавий шарт-шароитларни яратиш, уларнинг тайёргарлигини халқаро мезонлар асосида ташкил этишнинг аҳамияти янада ошди. Шу мақсадда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан тарихимизда ilk бор Олимпия шаҳарчаси қурилишига киришилди. Бу мажмуа нафақат замонавий спорт инфратузилмаси, балки миллий спорт сиёсатида янги босқичнинг рамзига айланди.”

соҳасининг барча тармоғини бир-бири билан узвий боғлайдиган улкан марказга айланди.

Олимпия шаҳарчасининг аҳамиятини англаб етиш учун унинг тузилиши ва вазифаларига эътибор қаратиш зарур. Бу ердаги бешта асосий спорт мажмуаси — велодром, 12 минг ўринли стадион, сув спорти саройи, жамоавий спорт турлари учун универсал заллар, яккақурш спортлари мажмуаси — ҳар бири алоҳида йирик йўналишни қамраб олган. Шаҳарча ҳудудида футбол, теннис, хоккей каби спорт турлари учун очик майдонлар, паралимпия ётоқхонаси, спорт тиббиёти маркази ва илмий-тадқиқот муассасалари жойлашгани унинг имкониятларини янада кенгайтирмоқда.

Қисқача айтганда, Олимпия шаҳарчаси бу нафақат спортчилар учун машғулот ҳамда мусобақа майдони, балки спорт илми, таълими ва тиббиётининг ягона интeгpацияланган марказидир. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, мазкур шаҳарча мамлакатимиз спорт сиёсатида янги босқични бошлаб берди. Ундаги ҳар бир спорт иншооти нафақат юқори даражадаги мусобақаларни қабул қилиш, балки ёшлар спортини ривожлантириш, спорт илми ва тиббиётини кучайтириш, шу билан бирга, мамлакат нуфузини халқаро майдонда юксалтиришга хизмат қилади.

Эндиликда уларнинг ҳар бири юртимиз спортда қандай аҳамият касб этишини таҳлил қилимиз.

Олимпия шаҳарчасининг энг муҳим ва ўзига хос иншоотларидан бири велодром

ни баркамол қилиб тарбиялаш каби устувор вазифалар ҳал этилади.

Демак, Олимпия шаҳарчаси — бу бунёд этилган оддий спорт иншооти эмас, балки янги Ўзбекистон спорт тарихининг истиқболини белгилайдиган тарихий лойиҳа. У орқали мамлакатимиз нафақат минтақада, балки жаҳон спорт майдонида ҳам ўзининг муносиб ўрнини эгаллашга интиляётганини кўрсатмоқда.

Бу мажмуа нафақат архитектура жиҳати, балки спорт инфратузилмаси, функционал имкониятлари ва стратегик аҳамияти жиҳатидан ҳам ноёбдир. Қисқа муддатда барпо этилган ушбу шаҳарча мамлакатимиз спорт сиёсатида янги босқични бошлаб берди. Ундаги ҳар бир спорт иншооти нафақат юқори даражадаги мусобақаларни қабул қилиш, балки ёшлар спортини ривожлантириш, спорт илми ва тиббиётини кучайтириш, шу билан бирга, мамлакат нуфузини халқаро майдонда юксалтиришга хизмат қилади.

Эндиликда уларнинг ҳар бири юртимиз спортда қандай аҳамият касб этишини таҳлил қилимиз.

Олимпия шаҳарчасининг энг муҳим ва ўзига хос иншоотларидан бири велодром

хисобланади. Бу спорт тури дунёнинг ривожланган мамлакатларида кенг оммалашган бўлиб, Олимпия дастурининг муҳим йўналишларидан бири саналади.

Велодром мураккаб муҳандислик ечимлари асосида қурилган, унинг траекториялари, бурилиш бурчаклари, ёғоч қопламаси Халқаро олимпия кўмитасининг қатъий талабларига тўлиқ жавоб беради. Йўлак энг мустаҳкам дарах турларидан ясалган ва қаватма-қават ётқизилгани сабабли спортчилар учун хавфсизлик ва юқори самарадорликни таъминлайди.

Унинг яна бир жиҳати, ички иқлим шaroитини йил давомида барқарор сақлаб туриш имкониятидир. Бу эса велоспортчилар учун оптимал машғулот муҳитини яратади. Ҳатто ҳаво қаршилиғи даражаси ҳам инобатга олингани олимплар томонидан эътироф этиляётир. Велодром 2200 томошабинга мўлжалланган. Бу эса халқаро мусобақалар, оммавий велоспорт байрамлари, маҳаллий чемпионатларни ташкил этиш имкониятини ҳам яратади.

Айтиш жоизки, Ўзбекистонда бу даражадаги велодром ilk бор қурилди. Демак, эндиликда мамлакатимизда велоспортни ривожлантириш, уни оммалаштириш учун зарур пойдевор қўйилди. Президентимиз ишлаб чиқишни мутасаддилар олдиға вазифа қилиб қўйди.

Шаҳарча марказида жойлашган стадион мамлакатимиздаги энг йирик спорт масканларидан бири бўлиб, 12 минг томошабинга мўлжалланган. Унинг асосий аҳамияти энгил атлетиканинг барча йўналиши бўйича халқаро ва миллий мусобақаларни ўтказиш имкониятидир.

Стадион майдонида 9 қаторли югуриш йўлаги, яшил майдон ва энгил атлетиканинг 48 та йўналиши бўйича мусобақа ўтказиш имкони мавжуд. Бу дегани эндиликда Ўзбекистонда жаҳон чемпионати, Бриллиант лигаси, пара атлетика бахслари каби нуфузли турнирларни қабул

қилиш имконияти яратилди. Стадион тўрт қаватли маъмурий бинога эга бўлиб, унда миллий терма жамоалар мутахассислари, спорт федерациялари ҳамда мураббийлар штаблари фаолият юритади. Демак, бу жой спорт дипломатияси ва ташкилотчилик марказига ҳам айланади.

Президентимиз энгил атлетикани аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашда муҳим йўналиш сифатида белгилаб, уни ривожлантиришга катта эътибор қаратмоқда. Шу боис стадион нафақат профессионал спортчилар, балки ёшлар ва оммавий спорт қатнашчилари учун ҳам очик бўлади.

Олимпия шаҳарчасидаги сув спорти саройи ҳам замонавий имкониятлари билан алоҳида ажралиб туради. Унда 25х50 метрли сузиш ҳавзаси, 25х20 метрли сувга сакраш ҳавзаси, синхрон сузиш ва сув полоси учун майдонлар мавжуд.

“World Aquatics” федерацияси делегацияси томонидан берилган хулосага кўра ушбу саройда халқаро чемпионатлар, ҳатто Олимпия ўйинлари дастуридаги мусобақаларни ҳам ўтказиш имконияти бор. Бу Ўзбекистон спорти тарихида янги саҳифа очадиган воқеаликидир.

Саройда томошабинлар учун 2000 ўрин мўлжалланган бўлиб, унинг архитектура-си ва техник жиҳатлари телетрансляция талабларига тўлиқ жавоб беради. Шу боис келгусида Тошкентда жаҳон миқёсидаги сузиш мусобақаларини томоша қилиш имконияти юзага келади. Энг муҳими, мазкур маскан сув спорти турларини омма-

“Олимпия шаҳарчаси бу оддий спорт иншоотлари мажмуаси эмас. У мамлакатимиз спорт сиёсатидаги узоқни кўзлаган, стратегик аҳамиятга эга лойиҳа. Унинг ҳар бир мажмуаси юртимиз спортининг янги босқичини бошлаб бермоқда.”

Хақиқатан ҳам, Олимпия шаҳарчаси бу оддий спорт иншоотлари мажмуаси эмас. У мамлакатимиз спорт сиёсатидаги узоқни кўзлаган, стратегик аҳамиятга эга лойиҳа. Унинг ҳар бир мажмуаси юртимиз спортининг янги босқичини бошлаб бермоқда. Ишончимиз комилки, Олимпия шаҳарчаси нафақат юқори натижалар учун, балки оммавий спортни ривожлантириш, ёшларни соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш, мамлакат нуфузини халқаро майдонда юксалтиришга хизмат қилади.

Нодир ЖУМАЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият, спорт ва ёшлар масалалари кўмитаси раиси.

АҲОЛИ ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИ КАФОЛАТИ

Мажлисда тadbиркорларни қўллаб-қувватлаш борасидаги ишлар диққат марказида бўлиб, Президент Фармони билан бир гуруҳ тadbиркорлар қатор давлат мукофотлари ва “Фаол тadbиркор” кўкрак нишонин билан тақдирлангани эътироф этилди. Шу билан бирга, депутатлар ҳудудлардаги фаолияти давомида тadbиркорлар билан учрашувлар ўтказиётгани ҳамда улар манфаатига алоҳида эътибор қаратилаётганига ургу берилди.



Шунингдек, мажлисда давлат органининг ёки унинг мансабдор шахсининг қонунга хилоф қарори, ҳаракати ёхуд ҳаракатсизлиги туфайли етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш, давлат органилари фаолиятида ҳуқуқий аниқлик ва барқарорликни таъминлаш ҳамда атом энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги давлат бошқаруви ва назорати тизимини такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳалари атрофлича кўриб чиқилди. Парламент назорати фаолиятига доир масалалар ҳам муҳокама қилинди.

Зарарнинг ўрнини қоплаш қатъий белгиланмоқда

Мажлисда давлат органининг ёки мансабдор шахснинг қонунга хилоф қарори, ҳаракати ёхуд ҳаракатсизлиги туфайли етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда модада-мода муҳокама қилинди.

Қайд этилганидек, бугунги кунда давлат органилари мансабдор шахсларининг қонунга хилоф қарорлари натижасида жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарарни қоплаш ягона қонунчилик ҳужжати билан тартибга солилмаган. Хусусан, бугунги кунда етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш ўндан ортиқ қонунлар ва қонуности ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Амалдаги тартибга кўра, Тошкент шаҳрида зарарлар фуқаро (юридик шахс)ларга компенсация жамғармалари ҳисобидан, бошқа ҳудудларда маҳаллий бюджет маблағларидан ундириб берилган. Шунингдек, етказилган зарарлар учун компенсация ундириш, шу жумладан, зарарни қоплашнинг регресс тартиби қонун ҳужжатлари билан аниқ очиб берилмаган.

Мазкур қонун лойиҳаси билан етказилган зарарнинг ўрнини компенсация қилиш, ҳудудий компенсация жамғармаси ҳисобидан қоплаб берилган маблағларни кейинчалик айбдор, деб топилаган давлат органининг мансабдор шахсидан тўлиқ миқдорда регресс

тартибда ундириб олиш, ҳудудий компенсация жамғармаси маблағларини шакллантириш тартиби белгиланмоқда. Яъни лойиҳага кўра, жисмоний ёки юридик шахсга етказилган ҳамда суднинг қонуний қучга кирган қарори билан аниқланган моддий ва (ёки) маънавий зарарнинг ўрнини қоплашда ягона амалиёт йўлга қўйилиб, етказилган зарар Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги ҳудудий компенсация жамғарма-

ни такомиллаштириш, интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тизимини ривожлантириш ҳамда товар белгилари ва патент божлари тўғрисидаги қонунчиликни мукаммаллаштириш назарда тутилмоқда.

Хусусан, лойиҳада товар белгисига доир гувоҳноманинг амал қилиши, ҳуқуқ эгаси бўлган юридик ва жисмоний шахсларнинг эгаллик ҳуқуқи манфаатдор шахснинг аризасига биноан суд қарори асосида тугатилиши мумкинлиги таъкид этиляпти. Товар келиб чиққан жой номидан фойдаланилганда эса Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган огоҳлантирувчи таъғим қўйилиши мумкинлигини белгилаш кўзда тутилмоқда.

Шунингдек, “Ишонч телефони” тушунчасига изоҳ берилиб, уни жисмоний ва юридик шахслардан уларнинг қонуний ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини таъминлаш масалалари бўйича аризалар, тақлифлар ва шикоятларни қабул қилиш учун телефон алоқасининг махсус линияси сифатида назарда тутиш белгиланяпти.

Қонун лойиҳаси давлат органилари фаолиятида ҳуқуқий аниқлик ва барқарорликни таъминлаш, мурожаатлар билан ишлаш жараёни тезроқ ва шаффоф бўлиши, интеллектуал мулк соҳасида ҳуқуқий муҳофаза даражасининг ошиши ҳамда бизнес юритиш учун қулай ҳуқуқий муҳит яратиш каби мақсадларни назарда тутган.

Муҳомадан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

Атом энергиясидан фойдаланиш соҳасида давлат бошқаруви ва назорати

Депутатлар томонидан кўриб чиқилган навбатдаги ҳужжат — атом энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги давлат бошқаруви ва назорати тизимини такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси бўлди.

Мамакатимизда атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш, унинг хавфсизлиги ва самардорлигини таъминлаш бўйича изчил ислохотлар амалга оширилмоқда. Бу жараёнда халқаро стандартларга мос ҳуқуқий асосларни яратиш, бошқарув тизими ва назорат механизmlарини ислоҳ қилиш, соҳадаги иштирокчиларнинг ваколат ҳамда мажбуриятларини аниқ белгилашга эътибор қаратилаётди.

Мазкур қонун лойиҳаси билан Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Атом энергияси агентлиги соҳада ягона давлат сиёсатини амалга оширувчи ваколатли орган сифатида белгиланяпти.

Шунингдек, лойиҳа билан давлат органилари, вазирлик ва идораларнинг номлари ҳамда ҳуқуқий атамалар амалдаги қонунчиликка мувофиқлаштирилмоқда. Юридик-техника қондаларидан келиб чиқиб, нормаларни аниқлаштириш ва улар ўртасидаги уйғунлиқни таъминлаш мақсадида тегишли ўзгартиришлар киритилляпти.

Муҳокама жараёнида қонун лойиҳаси атом энергиясидан фойдаланиш соҳасида ҳуқуқий асосларни янада такомиллаштириш, давлат бошқаруви ва назоратининг самарали йўлга қўйилишини таъминлаш ҳамда соҳадаги муносабатларни замон талаб-

рига мос равишда ривожлантиришга қаратилгани таъкидланди. Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

Банк тизимини ислоҳ қилиш борасида қандай ишлар амалга оширилмоқда?

Мажлисда Марказий банк раиси Т. Ишметовнинг “Банк тизимини ислоҳ қилиш ва тижорат банкларини трансформация қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар”га оид парламент сўровига жавоби атрофлича муҳокама этилди.

Марказий банк жавобида билдирилишича, 2020 — 2025 йилларда 3 та банк хусусийлаштирилиб, 9 та янги хусусий банк, шу жумладан, 3 та хорижий моллия муассасаси фаолияти йўлга қўйилган. Бунинг натижасида давлат улушига эга банклар активлари улуши 85 фоиздан 65 фоизгача қисқарган.

Депутатлар парламент сўровига олинган жавобда келтирилган натижаларни ижобий баҳолди. Хусусан, 2020 — 2025 йиллар давомида давлат улушига эга банкларнинг капитал базасини мустаҳкамлаш мақсадида жами 34,1 трлн. сўм маблағ йўналтирилган. Мазкур чоралар кредитлаш имкониятларини кенгайтириш, банк хизматлари сифатини ошириш ва тизимнинг молиявий барқарорлигини таъминлашга хизмат қилган.

Халқ вакиллари келгусида аҳоли ва кичик бизнес учун масофавий хизматларни ривожлантириш мақсадида ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик чораларини кенгайтириш зарурлигини қайд этди.

Шу билан бирга, банк ва тўлов ташкилотлари ўртасида маълумотларни муҳофазаланган телекоммуникация тармоқлари орқали узатиш имконини берувчи махсус ахборот тизимини жорий

қатламлари, шу жумладан, жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахслар орасида жисмоний тарбия ва спорт бўйича оммавий тadbирларни ташкил этиш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида”ги парламент сўровини юбориш ҳақидаги масалани кўриб чиқди.

Айтилганидек, мамлакатимизда жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, жумладан, уларнинг спорт билан мунтазам шуғулланиши учун зарур шарт-шароитларни яратиш, халқаро спорт мусобақаларида муносиб иштирок этишини таъминлаш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Бу борада “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги, “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги қонунлар, шунингдек, Президентимизнинг 2024 йил 8 ноябрдаги “Ногиронлиги бўлган шахсларни спортга жалб этиш орқали жисмоний реабилитация қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори дас-туриламал бўлмоқда.

Бироқ таҳлиллар соҳада ўз ечимини кутаётган айрим муаммолар сақланиб қолаётганини кўрсатмоқда. Жумладан, депутатлар давлатимиз раҳбарининг юқоридаги қароридида белгиланган айрим масалаларнинг ижроси тўлиқ таъминланмаганига эътибор қаратди.

Шунингдек, мослаштирувчи жисмоний тарбия ва спорт соҳасида мутахассисларни тайёрлаш институтида карлар ва кўзи ожизлар спортга, махсус олимпия спорт турлари ҳамда ногиронлиги бўлган шахслар шуғулланадиган бошқа спорт турлари йўналишларида малака ошириш курслари етарли даражада ташкил этилмаган.

Ногиронлиги бўлган шахслар-



қилиш ишларини тезлаштириш бўйича ўз тақлифларини берди.

Муҳокамада кредит ажратишда шаффофлиқни ошириш ва инсон омилни камайтириш мақсадида “oilakredit.uz” платформаси ишга туширилгани депутатлар эътиборида бўлди.

Мажлис якунида тақдим этилган парламент сўровига жавоб маълумот учун қабул қилинди.

Спорт вазирга парламент сўрови юборилди

Депутатлар Спорт вазир А. Икромовга “Аҳолининг кенг

нинг функционалликни баҳолаш натижаларига мувофиқ, жисмоний реабилитация хизматларини кўрсатиш тизими такомиллаштирилиши лозим. Мазкур тоифадаги шахсларга спорт билан шуғулланиши учун қулай шароитлар яратиш ва мавжуд инфраузилмани мослаштириш ҳам кун тартибидидаги долзарб масалалар ҳисобланади.

Мажлисда юқоридагилардан келиб чиқиб, бу борада амалга оширилаётган ишлар юзасидан асосланган тушунтириш бериш ҳақида Спорт вазирга парламент сўрови юборилди.

«Халқ сўзи».



МАКТАБ ЯРМАРКАЛАРИ — ЭЛ ХИЗМАТИДА

Гоҳида кўзимизга кичик, арзимас кўринган нарсалар аслида жуда муҳим бўлиши, ҳатто ҳал қилувчи ролни ўйнаши мумкин. Мисол учун, биз фарзандларимиз таълим муассасаларида аъло даражада ўқишини, фанларни чуқур ўзлаштириб, эртага эътиборли олий ўқув юртида талаба бўлишини, оиласи, элу юртига наф келтирадиган инсон ўлароқ етишишини орзу қиламиз. Бунинг учун елиб-югуряпмиз, уларга етарлича шароит яратиб бермоқчимиз. Агар нимадандир кўнгли тўлмаса, кийим-кечага ёхуд китоб-дафтаридида камчилиқ, етишмовчилик бўлса, бу фарзандимизнинг руҳиятига, ўқишига, ўқувчилар орасида ўзини тутишига ҳам бевосита таъсир кўрсатади.



Мана, янги ўқув йили бошланишига ҳам оз қолди. Мактаб формаси, ўқув қуроллари-ни олишга шойлишимиз керак. Токи фарзандимиз мактабга бекам кўст чиқсин, ўқишни хушқайфият, янгича руҳ билан бошласин. Ахир аждодларимиз синаб, кўриб-билиб айтишган: “Иш қуролнинг соз бўлса, машаққатинг оз бўлар”.

Янги ўқув йилига ҳозирлик, ўқувчилар ва ота-оналарни зарур шароитлар билан таъминлаш масаласи, албатта, давлатимиз эътиборида. 15 августдан ота-оналар учун қулайлик яратиш ва фарзандларни янги ўқув йилига тайёрлашда харажатларни камайтириш мақсадида мамлакатимизнинг турли ҳудудларидаги бозорларда, йирик савдо мажмуалари ва дўконларда мактаб ярмаркалари иш бошлади.

Маълумотларга кўра, мактаб ярмаркаларининг 931 таси умумий ўрта таълим мактабларида, 293 таси аҳоли гавжум бозорлар ҳудуди ва атрофларида, 528 таси эса йирик савдо мажмуаси ва дўконларда ташкил этилмоқда. Биргина пойтахтимизнинг ўзида ўқув йилига тайёргарлик кўриш учун 300 га яқин мактаб ярмаркалари очилди. Ушбу расталарда 26 турдаги зарурий ўқув қуроллари ва жиҳозлари сотуви амалга оширилмоқда. Мактаб формалари дейсизми, дарсликлар ва канцелярия буюмларими, барчасини харид қилиш мумкин.

“Чилонзор дехқон бозори” масъулияти чекланган жамияти ҳудудида очилган мактаб ярмаркасида сотувчилар билан сўхбатлашмоқчи бўлдик. Аммо негадир аксар сотувчилар интервью беришни хошламади. Бу ҳол, бир томондан, кишида саволлар пайдо қилса, бошқа томондан, ранжитади ҳам. Чунки мазкур жараёнда тadbиркорларнинг кенг жамоатчилик учун очиклиги ми-жозлар учун шаффоф муҳит яратилганидан, махсулотларининг нарх-навоиси, сифати борасида саволлар туғилмаслигига, ишончни қозонишга интилишдан далолат.

Хайрият, сотувчилар орасидан оммавий ахборот воситалари билан мулоқотга тайёр юртдошимизни ҳам топдик.

— Ярмаркаларимизда сумкалар, дафтар-қалам, хуллас, керакли барча ўқув қуролни сотяпмиз, — дейди “Чилонзор дехқон бозори” ҳудудидаги мактаб ярмаркаси дўконларидан бирининг сотувчиси Жаҳонгир Эшимов. — Махсулотларимиз сифатли, стандартларга тўлиқ жавоб беради. Харидорларнинг талабига кўра улар учун қулай нархларда сотиляпти. Энг муҳими, ярмаркада ота-оналар фарзандларига зарур бўладиган ашёларнинг барчасини бир ернинг ўзидан топа олади. Сарсон бўлиб, дўконма-дўкон, бозорма-бозор юрмайди.

Дўконлар эндиғани очилгани учуни, ҳали унчалик гавжум бўлмаса-да, фарзандларини етаклаб, савдо қилиб юрган ота-оналар кўп. Кимга дафтар керак, кимга қалам — хуллас, ҳамма янги ўқув йилига ҳозирлик билан банд.

— Углим келажакда шифокор бўлмоқчи, — дейди ярмарка дўконларидан ўқув қуроллари сотиб олаётган Фарида Муҳаммадова. — У бу йил 5-синфга ўтади. Деярли ҳамма керакли нарсаларни олишди. Ҳар йили мактаб ярмаркаларидан савдо қиламиз. Назаримда, бу йил дафтарлар нисбатан сифатсизроқ, юпқароқ чиққандек. Бозорда савдо расталари кўп, кўрайлик-чи, балки бошқа дўконлардан сифатли дафтарлар чиқиб қолар.

Ота-оналар болаларни учун, табиийки, энг яхисини олишни истайди. Янги сумкаларни янги ўқув қурол-рига тўлдириб олган болаларнинг эса кайфияти аъло даражада. Бу болалар — бизнинг келажакимиз! Улар унлайишди, ўқиб-ўрганишди. Ҳар бири бирор касб-нинг этагини тутиб, мана шу мустақил, жаннатмонанд юртимизнинг равнақиға, албатта, ўз ҳиссасини қўшади.

Ғолиб БАҲРОМОВ («Халқ сўзи»).

Ақмал МУҲАММАДОВ олган суратлар.

ҚУРҒОҚЧИЛИК МОНИТОРИНГИДА ЯНГИ ЛОЙИҲА

“Ўзбеккосмос” агентлиги БМТнинг Осиё ва Тинч океани учун иқтисодий ҳамда ижтимоий комиссияси ва “Роскосмос” давлат корпорацияси билан ҳамкорликда янги лойиҳа ижросига киришди. Бу ўринда гап Марказий Осиё давлатлари учун ерни масофадан зондлаш технологияларига асосланган қурғоқчиликни мониторинг қилиш тизимларини ишлаб чиқиш ҳақида бормоқда. Икки йилга мўлжалланган ва қиймати 300 минг АҚШ долларилик мазкур лойиҳа Ўзбекистон билан бирга, Тожикистон ва Қирғизистон ҳудудларини ўз ичига қамраб олган.

Инновацион ёндашув

Халқаро эксперт Кареф Рафисуранинг эътироф этишича, глобал иқлим ўзгариши, хусусан, ҳаво хароратининг кескин кўтарилиши оқибатида дунёда йирик экологик муаммолар вужудга келмоқда, баъ-

зи жойларда сув тошқинлари кузатилаётган бўлса, қурғоқчилик ортидан экинлар қуриб озиқ-овқат етишмовчилиги билан боғлиқ муаммолар ҳам бўй кўрсатмоқда.

Албатта, бу — Марказий Осиё учун ҳам хос. Ана шу сабабли лойиҳа иштирокчилари қурғоқчилик билан боғлиқ муаммо-

ларни аэрокосмик тасвирлар қатори бевосита жойига чиқиб кузатишни, таҳлил қилишни режалаштирган. “Роскосмос”нинг Халқаро алоқалар департаменти бош эксп-терни Екатерина Ранюкнинг фикрича эса қурғоқчилик муаммоларига халқаро микёс-да жиддий эътибор қаратилаётгани ҳақиқий ҳолатни келгусида бирмунча юм-шатишга хизмат қилади.

Лойиҳа доирасида ўтказилган анжуман-да сўзга чиққан Хитой аэрокосмик тадқи-қотлар институти доценти Нана Ван, хин-дистонлик мутахассис Тармик Митран қурғоқчиликка қарши курашда космик мо-ниторинг асосий инструментлардан бири эканига ургу берди. Жумладан, масофа-дан зондлаш, яъни сунъий йўлдош тас-вирлари орқали тупроқ намлиги, ўсим-

лик қоплами, сув ҳавзаларидаги ўзгариш-ларни аниқлаш мумкин. “MODIS”, “Sentinel”, “Landsat” каби сунъий йўлдош-лар юқори аниқликдаги тасвирларни тақ-дим эта олади.

Қолаверса, “NDVI” сингари индекслар кўмағида ўсимликларнинг ўсиши ва риво-жи, ҳосилдорлигини олдиндан баҳорат қилиш имкони бор. Лойиҳанинг айнан Ўзбекистонда бошлангани ҳам беҳиж эмас. Чунки бу мамлакатда халқаро таш-килотлар фаолиятига ҳеч қандай монелик йўқ, аксинча, замонавий технологияларни жорий этиш, улардан самарали фойдала-нишга жиддий эътибор қаратишмоқда.

Абдунаби АЛИҚУЛОВ («Халқ сўзи»).

ВАТАНИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИГА МУНОСИБ
ҲИССА ҚЎШИШ — ТАДБИРКОРЛИК БУРЧИМИЗ

Абдулхосим ИСМОИЛОВ,
Андижон туманидаги «Равон тараққиёт орзуси» МЧЖ таъсисчиси,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган тadbirkор:



— Президентимиз Фармонига кўра, самарали фаолият юритиб, салмоқли натижаларга эришадиган бизнес вакилларига юксак давлат мукофотлари берилиши биз, тadbirkорларга бўлган эътибор ва ғамхўрликнинг ёрқин намунаси бўлди.

Аслида ҳам, давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан тadbirkорликни ривожлантириш масаласига жиддий эътибор қаратилиб, ҳар йили кўплаб имтиёзлар бериляпти, эркин бизнес юритиш учун қулай шарт-шароитлар яратилляпти. Натижада юртимизда минглаб янги ишлаб чиқариш қувватлари пайдо бўлмоқда. Шу жараёнда «Равон тараққиёт орзуси» масъулияти чекланган жамияти ҳам ўз салоҳиятини тўла намойён этишга муваффақ бўлди.

Фаолиятимизни 2007 йилда бир неча киши билан бошлаган бўлсак, ҳозирги кунда жамоамизда минглаб ишчилар фаолият юритмоқда. Ишлаб чиқарилаётган пойабзаллар сифати юқорилиги ва табиийлиги боис ташқи бозорда ҳам хариддоргир. Бугунги кунда маҳсулотларимиз Рос-

сия, Хитой, Қозоғистон, Қирғизистон, Озарбайжон ва яна кўплаб мамлакатларга экспорт қилинмоқда. 2024 йил якунларига кўра, экспорт ҳажми 6 млн. АҚШ доллари ошди. Бундай янги марраларни забт этишимизда солиқ соҳасидаги енгилликлар, молиявий қўллаб-қувватлаш механизмлари бамисоли қанот бўлди.

Юрт тараққиёти йўлидаги камтарона меҳнатимиз юксак баҳолиниб, «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган тadbirkор» фахрий унвонига лойиқ кўрилгани бутун жамоамизга берилган юксак баҳо, деб ҳисоблайман. Биз бундан кейин ҳам изланишдан тўхтамасдан ишлаб чиқариш ҳажмини янада ошириш, экспорт йўналишларини кенгайтириш орқали Ватанимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўишни ўз бурчимиз, деб биламиз.

Камол АБДУЛЛОЕВ,
Самарқанд шаҳридаги «Sam Antep Gilam» МЧЖ таъсисчиси,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган тadbirkор:



— Илгари кичик ва ўрта бизнес ҳақида гап кетганда, у истикболсиз ҳаракат деб баҳолиниб, унга қўл уришни эса тасаввур ҳам қилиб бўлмас эди. Тadbirkорлик ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминловчи куч эканлигига кейинги йилларда қўлга киртилган муваффақиятлар мисолида яққол амин бўлдик. Чунки бу соҳа бозор иқтисодиёти талабидан келиб чиқиб, фаолиятини мослаштириш, бир пайтнинг ўзига кўлаб иш ўринлари очиб имкониятига эга. Масалан, бизнинг корхонамизда бугунги кунда 1150 нафар ишчи-ҳодим меҳнат қилляпти. Энг муҳими, тadbirkорлик раванқига қаратилаётган эътибор туфайли қўшимча қиймат яратаятган корхоналар сони тобора ортмоқда.

Охириги уч йилда қўшма корхонамиз таъсисчилигида ўндан ортиқ ишлаб чиқариш субъектлари фаолияти йўлга қўйилди. Натижада сунъий майса (газон) ва тафтинг, иккиламчи хомашёдан полиэстер, пахта ва полиэфир аралашмасидан калава ип, юқори сифатли эркаклар кўйлаклари ва чойшаблар, шунингдек, лифт ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Корхонамизда ўтган 2024 йилда 617,3 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, шундан 8,5 млн. АҚШ долла-

ри миқдоридагиси Жанубий Корея, АҚШ, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Арманистон, Грузия, Озарбайжон, Туркменистон, Тожикистон, Хитой ва Афғонистон давлатларига экспорт қилинди.

Умуман олганда, «Sam Antep Gilam» қўшма корхонаси 15 йиллик фаолияти давомида 15 млн. долларлик янги технологияларни ўзлаштириб, юқори сифатли гилам ва гилам маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича Ҳамдўстлик мамлакатлари орасида етакчилардан бирига айланди.

Меҳнатимиз давлатимиз томонидан юксак баҳолиниб, алоҳида эътироф этиб келинляпти. Жумладан, 2014 йилда «Шўхрат» медали, 2019 йилда «Меҳнат шўхрати» ордени билан мукофотланган бўлсам, кўни кеча Президентимиз Фармони билан «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган тadbirkор» фахрий унвонига лойиқ кўрилдим. Бундан буён ҳам масъулият билан меҳнат қилиб, етакчилардан ишончини оқлаймиз.

ЎЗБЕКИСТОНДА
ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ
СОНИ 9,6 ФОИЗ КўПАЙДИ

2025 йилнинг 1 август ҳолатига кўра, мамлакатимизда фаолият юритаётган тadbirkорлик субъектлари сони фермер ва деҳқон хўжаликларини ҳисобга олмганда **396 386 тага** етди. Бу кўрсаткич йил бошидагига нисбатан **34 593 тага** ёки **9,6 фоиз** ошган.

Миллий статистика қўмитаси маълумотларига кўра, энг кўп тadbirkорлик субъектлари Тошкент шаҳри улушига тўғри келиб, айти пайтда уларнинг сони **94 085 тани** ташкил этмоқда.

Дилшод БОБОЖОНОВ,
Шофиркон туманидаги «Leichter Kamalak Textilien»
қўшма корхонаси раҳбари, «Меҳнат шўхрати»
ордени соҳиби:



— Яқинда юртимиз тўқимачилик саноати тарихида эсда қоладиган воқеа юз берди. Қўшма корхонамиз томонидан Германиянинг салкам 140 йиллик тарихига эга, чойшаб, дастурхон, сочик каби уй-рўзгор учун юқори сифатли махсус аксессуарлар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган, дунё бўйлаб ўттиздан зиёд савдо уйларига эга «CURT BAUER» бренди харид қилинди.

Очилини айтиш керак, бу жараён осон кечгани йўқ, албатта. Аввало, давлатимиз раҳбари томонидан олиб борилаётган очиклик сиёсати, яратиб берилаётган қулай инвестициявий муҳит биринчилардан бўлиб юртимизда халқаро брендни харид қилишда қўл келди. Ваҳоланки, бу бундга турли давлатлардан харидор қўп эди.

Эндиликда бизда экспорт ҳажмини ҳозирги 10 миллиондан 30 миллион долларга етказиш имконияти пайдо бўлди. Шу бренд асосида дунё бозорига чиқамиз. Қолаверса, маҳаллаларда 400 та янги иш ўрни юзага келади.

Шубҳасиз, интилган, изланган киши эл-юрт эътиборида бўлади. Юртимиздаги бир гуруҳ тadbirkорлар қаторида камини ҳам шундай эъзозга муносиб кўрилганидан нихоятда миннатдорман. Бундан кейин ҳам бутун куч-ғайратим, салоҳиятимни она Ватанимиз раванқи йўлида сарфлайман.

Баҳодир АБДУРАЙИМОВ,
Чортоқ туманидаги «Chartak Mineral Water» МЧЖ
таъсисчиси, «Меҳнат шўхрати»
ордени соҳиби:



— Чортоқ минерал сувлари ўзининг шифобахшилик хусусияти билан бутун мамлакатга доврўқ таратган. У таркибида ўнлаб маъданли моддалар сақлаши боис овқат ҳазм қилиш, таянч ҳаракат аъзолари ҳамда тери касалликларини даволашда самарали табиий воситалардан ҳисобланади.

Шифобахш сув ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва экспортга йўналтириш мақсадида 2016 йилда Россия компанияси билан ҳамкорликда қўшма корхона ташкил этилиб, 18,6 млн. долларлик лойиҳанинг биринчи босқичи амалга оширилди. Бунинг ҳисобига халқаро андозаларга мос юқори сифатли маҳсулот тайёрлаш имконияти юзага келди. Натижада минимал бренди остида истеъмолчиларга лайм, лимонли, ялпиз ва райхон таъмлари билан хушбўйлаштирилган сув етказиб бериш йўлга қўйилди.

2023 йилда лойиҳамизнинг кейинги босқичи доирасида йиллик ҳажми 200 млн. литрга тенг бўлган ПЭТ идишларга сув қўйиш, 2024 йилда эса 150 млн. шива идишга сув қўйиш линиялари ишга туширилгач, қувватлар кескин ортиб, экспорт ҳажми кўпайди. Айти пайтда дунёнинг 15 давлати билан ташқи савдо амалиётларини бажарилляпти. Улар орасида АҚШ, Хитой, Россия, Жанубий Корея, Мўғулистон, Латвия ва бошқа мамлакатлар бор.

Тadbirkорлар куни арафасида кўплаб ҳамкасбларим қаторида хизматларим эътироф этилиб, юксак давлат мукофотига лойиқ кўрилганидан чексиз шараф туйдим. Ишонтириб айтманки, бундан буён ҳам юртимиз раванқи йўлида фидокорона хизмат қиламиз.

ЎЗБЕКИСТОНДА ИШБИЛАРМОНЛИК ИНДЕКСИ 14,3 ФОИЗ ОШДИ



Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар маркази баҳосига кўра, 2025 йил июль ойида мамлакатда Ишбилармонлик фаоллиги индекси 1159 бирликни ташкил этиб, ўтган ойдагига нисбатан **15,9 фоиз**, 2024 йилнинг мос давридагига нисбатан эса **14,3 фоиз** ошди.

Ишбилармонлик фаоллиги индексининг сезиларли даражада ошишида хўжалик юритувчи субъектларнинг банк ҳисобварақларидаги операциялар сони **3 фоиз**, товар-хомашё биржасида хомашё сотиб олиш жадаллиги **33,2 фоиз**, товар белгилари бўйича компонент **51 фоиз** ортгани муҳим омил бўлди.

Ўсиш суръати республиканинг 11 та ҳудудиди кузатилиб, юқори кўрсаткич Бухоро (47,9 фоиз), Сурхондарё (42,8 фоиз), Наманган (35,4 фоиз) ва Самарқанд вилоятлари (33,8 фоиз) улушига тўғри келди.

Шерзод МАҲМАТМУРОДОВ,
Камаш туманидаги «Нурманова Хуршида» сабзавотчилик фермер хўжалиги бошлиғи,
«Шўхрат» медали соҳиби:

— Тadbirkор киши кўпроқ даромад олиш учун доимо қўшимча имкониятларни ишга солишга, янги лойиҳаларни амалга оширишга ҳаракат қилади. Мен ҳам шу мақсадда бир неча йил бурун полиз ва сабзавот маҳсулотлари етиштиришни йўлга қўйган эдим.

Дастлаб Одоқжонбўз маҳалласи ҳудудиди оммалашган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириб, ички бозорга етказиб бериш билан шуғулландик. Даромад яхши эдию лекин биз кутган даражада эмасди. Шу боис ердан бир йилда икки,

уч маротаба ҳосил олиш, ички ва ташқи бозорда хариддоргир бўлган янги маҳсулот турларини етиштиришга қарор қилдик. 2022 йилдан брокколи карам етиштириб, ўзимиз экспорт қилишни йўлга қўйдик. Натижа кутганимиздан ҳам зиёда бўлди. Йиллик даромадимиз ҳам, ишчиларимиз сони ҳам бир неча баробар ошди. Буни кўрган ҳудуддаги бошқа томорқачилар, деҳқон хўжаликлари бизга эргашишди. Ҳозир маҳалламиз «Бир маҳалла — бир маҳсулот» тамойили асосида брокколи карам етиштиришга их-

тисослашган.

Хуллас, шу ишларимиз ортидан яхши даромад топиляпти, тadbirkор сифатида, озми-кўпми, элга танилдим. Кўни кеча давлатимизнинг юксак мукофоти — «Шўхрат» медалига муносиб кўрилганим ҳаётимдаги қутилмаган воқеалик бўлди. Бу эътироф келгусида қилажак ишларимиз, лойиҳаларимиз учун қанот бағишлаш, шубҳасиз.



Элёржон ЖАЛОЛОВ,
Қува туманидаги яқка тартибдаги тadbirkор, «Шўхрат» медали соҳиби:



— Қуваликлар азалдан деҳқончилик ва богдорчилик бобида етти иқлимда донг таратган. Ота-боболаримиздан мерос бу юмуш бугунги кунда замонавий мезонлар асосида ривожлантирилмоқда. Тadbirkорлар, кластер корхоналари, томорқа эгалари эмин-эркин меҳнат қилишлари учун яратилган қулай бизнес шароити бунда ҳал қилувчи аҳамият касб этапти. Натижада турфа гуллар, манзарали ва мевали дарахтлар қўчатлари етиштириш ҳамда сотиш Қува туманининг ўзига хос драйверига айланди.

Маҳсулотларимиз қўшни мамлакатлар, Осиев ва Европа қитъаси бозорларида жуда хариддоргир. Биргина ўзим ҳар йили 500 турдан ортиқ атиргул қўчатларини экспорт қиламан. Сўнгги уч

йилда эса Қирғизистон, Қозоғистон ва Россияга 10,3 млрд. сўмлик маҳсулот етказиб бердик. Гулчилик ва қўчатчилик тармоқига илм-фан ютуқлари, инновациялар жорий этилаётгани туфайли Қува туманида Нидерландия, Япония, Жанубий Кореянинг хажон бозорида хариддоргир гуллари маҳаллийлаштирилди. Бу борадаги ишлар қўлами кенгайтирилиб, эндиликда дунёнинг турли ҳудуд-

ларидан ноёб манзарали дарахт қўчатлари олиб келиниб, маҳаллий иқлимда шароитига мослаштирилляпти. Биз ҳам яқин истикболда янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириб, фаолиятимизни жаҳон андозалари даражасида ривожлантириш ни мақсад қилганмиз. Бу — 400 та юқори даромадли доимий иш ўрни яратиш имконини беради, деганидир.

Тadbirkорлар куни арафасида «Шўхрат» медали билан тақдирланганимни Қуванинг томорқачи миришкорлари, гулчи тadbirkорларига эътибор ва рағбат намунаси сифатида қабул қилдим. Ушбу ишончга муносиб бўлиш учун астойдил ишлаб, жонажон юртимизни боғу бўстонга айлантирамиз.

Юлдуз БОБОКУЛОВА,
Гулистон туманидаги «Юлдуз Абдуғафоровна» кўп тармоқли фермер хўжалиги раҳбари, «Шўхрат» медали соҳиби:



— Хўжалигимизнинг 78 гектар экин майдони мавжуд бўлиб, унда ғалла ва пахта билан бирга, сабзавот ҳамда полиз маҳсулотлари етиштирялмиз. Ҳар бир экиннинг ҳосилдорлиги йил сайин ортиб бораётир. Масалан, пахтаники 45, ғалланики эса 80 центнерни ташкил этаётир. Бу кўрсаткичлар яна ошади, чунки деҳқончилик ҳам инновацион технологиялар жадал кириб келмоқда. Ана шу омил туфайли ҳосилдорлики кўтариш баробарида, маҳсулот таннархини арзонлаштириш, жамоамизнинг моддий манфаатдорлигини оширишга эришляпти.

Фермер хўжалигимизда машина-трактор паркни ташкил қилинганини айтиб ўтиш ўринли, деб ўйлайман. Яна 300 тонна қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлашга мўлжалланган музлаткич омборхона ҳам даромадимиз ҳисобига қурилди.

Айтиш жоизки, бугунги қишлоқ хўжалигидаги иш юритув аънаъяни деҳқон-

чиликдан тубдан фарқ қилади. Юқори самарали инновацион технологиялар ва замонавий техника воситалари туфайли мўл ҳамда сифатли ҳосил етиштириш имконияти кенгаймоқда, деҳқоннинг меҳнати энгиллашмоқда. Халқимиз ибораси билан айтганда, «кетмонга дам берадиган» ҳақиқий меҳнат шароити яратилляпти.

Эътиборлиси, тadbirkорлар, хусусан, фермерлар меҳнати давлатимиз томонидан муносиб қадрланмоқда. Бунга каминанинг, оддий деҳқон аёлининг камтарона меҳнатлари юксак давлат мукофоти — «Шўхрат» медали билан тақдирланганимни мисол келтириш мумкин. Аслида ҳам, инсон учун меҳнатнинг эътирофидан ортиқ бахт бўлмаса керак. Шу маънода, бу рағбатга яраша, бу шарафга муносиб бўлиш учун бундан буён ҳам бор куч-ғайратимизни аямаймиз.

«Халқ сўзи».

«Афросиёб» тезюрар поездларининг ҳар бир вағонида Wi-Fi хизмати йўлга қўйилди.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 842. 10 709 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қозғоқ бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Телефонлар:
Девонхона 71-259-74-51; котибхона 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-87.



Таҳриратта келган қўламалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун оқушни расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳриратта компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нарийёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.
Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.
Навбатчи муҳаррир — С. Мамиров.
Мусахҳах — С. Исмолов.

«Шарқ» нарийёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 23.55 Топширилди — 00.10 1 2 3 4 5 6